

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Алишер Навоий номидаги
Самарканд Давлат Университети

Факултет: Ижтимоий – иктисодиёт

Йуналиш: Ижтимоий иш

Фан: Социологик тадқиқот услублари ва техникаси

Курс иши

Mavzu: СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Бажарди: Кучкаров Жасур

Текширди: доц.Рузимуродов А.

Самарканд

МАВЗУ: СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ.

Режа:

- 1. Социологик тадқиқотлар гуруҳи.**
- 2. Социологик тадқиқотларни анкеталаштириш.**
- 3. Социологик тадқиқотларни муаммолари.**

Мустақил давлатимизнинг бебаҳо интеллектуал салоҳиятини яратувчи олий ўқув юртларидаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, рухий, ғоявий муаммоларни ўрганиш, талабалар гуруҳида сўров ўтказиш орқали уларнинг дунёқарашини аниқлаш ва хоҳиш истакларини амалга ошириш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юрт келажаги, фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамияти касб этади. Жамият ҳаётида энг фаол ҳисобланган талабалар гуруҳида сўров ўтказиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, муаммоларини ҳал этиш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаси бўлиши лозим¹.

Талабалар гуруҳида сўров ўтказишни ташкил этиш учун сўров методларидан фойдаланиш, уларни қўллай билиш, қайчи усул энг самарали натижалар бериши мумкинлигини олдиндан кўра билиш керак.

¹ Н.С.Алиқориев. социология ва таълим тараққиёти. Т. 1998 йил, 24-бет.

Социологик тадқиқотлар ичида талабалар гуруҳида сўров ўтказишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки сўровларни ўтказиш натижасида талабанинг билими ҳар томонлама чуқур текширилади, талабаларда ўқишга бўлган қизиқишни оширади, талабалар билан яқиндан туриб ишлаш шароитини яратиш билан бирга жавобгарликни оширади. Талабалар гуруҳида сўров ўтказишни ташкил этишнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бунда тадқиқотчидан юксак маҳоратни, сўров ўтказишни ташкил этишда жуда эҳтиёткорлик билан элементар нарсаларга ҳам эътибор берган ҳолда тадқиқотга киришишни талаб этади.

Сўров ўтказиш бир нечта турларга бўлинади:

1. **Анкеталаштириш** – ёзма шаклдаги сўров бўлиб, техникасига кўра тарқатиладиган, матбуот орқали, телефон орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу усул талабалар гуруҳида сўров ўтказишда қўл келади. Бунда тарқатиладиган анкета сўровномасидан фойдаланилади.

2. **Интервью (суҳбатлашиш)** – оғзаки сўров тури ҳисобланиб, респондент билан интервью юзма-юз савол жавобни амалга оширади. Интервьюдаги талабалар гуруҳида фойдаланишда гуруҳий интервью кўринишидаги туридан фойдаланиш керак. Бу интервью усулида одатда, умумий мавзуда мунозара юритилади.

3. **Социометрик** – бу сўров гуруҳидаги шахслараро муносабатларнинг яхши кўриш, ёқтирмаслик, дўстлик, адоват ва бошқа жиҳатларини ўрганиш учун қўлланилади. Бу сўров методи Ж.Морено томонидан ишлаб чиқилган.

4. **Тест** – гуруҳда ўтказилиши ёки шахсан бир кишида ҳам ўтказиш мумкин. Чунки бу усул ёрдамида шахснинг интеллектуал қобилияти, шахсий хусусиятлари ўрганилади. Тест усулидан кўпинча талабаларнинг билимини аниқлашда қўллашади.

Бундан ташқари, сўровнинг панель, эксперт, яхлит сўров турлари ҳам мавжуд бўлиб, бу усуллардан талабалар гуруҳида айрим ҳоллардагина фойдаланиш мумкин.

Сўров усулининг моҳияти шуки, тадқиқотчи савол беради ва респондент ўзининг дунёқараши, маълумоти, билими ва хоҳишидан келиб, саволларга жавоб беради. Сўровлар одатда унчалик батафсил маълумот бермайди, лекин унинг тўғрилигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Сўров методидан фойдаланишда тадқиқотчи жуда муҳим рол ўйнайди. У тўпланаётган маълумотларга жуда катта таъсир ўтказиши мумкин.

Шунинг учун тадқиқотчи социолога бир қанча талаблар қўйилади. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Саволни кимга ёки кимларга бермоқчи,
2. Респондент саволларга жавоб беришни хоҳлайдими ёки йўқми?
3. Респондент саволларга жавоб бера оладими, йўқми?

4. Респондент ҳаққоний жавоб бериши учун саволларни қай тарзда, қай шаклда бериш керак?

Мана шу саволларни топа олган тадқиқотчининг тадқиқоти самарали маълумот туплай олиши ва муаммони ҳал эта олиши мумкин.

Сўров методи бошқариш учун қулай усулдир. Сўров методининг бошқа методлардан имконияти катта ҳисобланади. Сўров методи ҳам бошқа методлар каби ўзининг устунлик ва камчилик томонларига эга. Буни қуйидаги жадвал орқали билиб олишимиз мумкин. Жадвалда сўров методининг бошқа методларга нисбатан қиёсий таҳлили берилган.

СЎРОВ МЕТОДИ

Устунлиги	Камчилиги
Катта сондаги шахслар орасида самарали маълумотлар тўплаш мумкин	Сўровнома қатъий стандартлаштирилган бўлса, респондент қарашларидаги фарқлар сунъий тарзда йўқ қилиниши мумкин
Респондентлар жавобларини аниқ таққослашга имкон беради	Жавоблар респондентнинг ҳақиқий фикри бўлмайд қолади

Сўров методидан фойдаланиш ва уни ташкил этиш курс ишининг иккинчи бобида батафсил берилганлиги сабабли бу бобда сўров методининг хусусияти ҳамда аҳамияти атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Биз энди сўровнинг асосий элементи яъни унсурлари, фоизлари ҳақида сўз юритамиз ва очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Сўровнинг асосий элементлари:

- социолог, инструментарийни тузувчи
- анкета ёки интервью
- анкета ёки интервью режаси
- сўров жараёни
- респондент
- ижтимоий воқеълик

Сўровнинг асосий вазифалари:

1. Мослашув: муомила, мурожаат ва сўровни бошлаш;
2. Асосий маълумотларни йиғиш;
3. Сўровни якунлаш.

Умуман олганда, социологик тадқиқотлар ичида слўров методи муҳим ва асосий роль ўйнайди. Талабалар гуруҳида ва методдан фойдаланиш ва ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Социологик тадқиқотларда сўров ўтказиш учун сўров методининг турли кўринишлари ва усулларидан фойдаланиш мумкин. Биз талабалар гуруҳида ўтказиладиган сўров тадқиқотлари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу жараёнда энг самарали натижаларни тақдим этувчи ҳамда бир қатор қулайликлар туғдирувчи усуллари кўриб чиқамиз. Бу мавзуда асосан талабалар гуруҳида сўров ўтказишда муҳим ўрин тутувчи тест усули,

социометрик сўров усули, интервью усули ҳақидаги қисқача ва энг асосий маълумотлар таҳлил қилинади. Бу бобнинг иккинчи қисми эса анкета усулининг келиб чиқиши, тузилиши, ташкил этилиши, аҳамияти, ролига бағишланади. Учинчи қисмида эса анкетернинг вазифалари билан батафсил танишамиз.

Тест сўров усуллари ичида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тест орқали ўтказиладиган сўров махсус схема, расмлар, таклифлар, саволлар ёрдамида респондентларнинг шахсий сифати, билими, тажрибаси, қобилиятининг қай даражада эканлигини аниқлайди.

Тестларни вазифаси ҳамда мақсадига қараб уч турга ажратишимиз мумкин.

1. Тематик бирикмаларни аниқлайдиган;
2. Интеллектуал қобилиятни аниқлайдиган;
3. Таклифларни яқунлайдиган.

Тест - бу киши билимини, дунёқарашини, интеллектуал салоҳиятини аниқлаб берувчи воситадир. Талабалр гуруҳида тест сўровидан фойдаланиш жуда муҳим, чунки тест талабани яхшироқ ўқишга ундайди, ҳаракатчанлигини оширади.

Тест тузиш маълум бир қоидаларни талаб қилади. Тест саволлари тўғри, аниқ ва бир хил жавоб талаб этиладиган бўлиши лозим. Тахминий топиш эҳтимолини камайтириш учун жавоб вариантларини тўрт-бешта қилиш керак. Бундан ташқари те тестлар яроқли, ишончли, асосланган, қулай тежамли бўлиши керак.

Яна бир муҳим жиҳатини ёддан чиқармаслик лозим. Бу тестларни осонлик билан компьютерга киритиладиган ва компьютер ёрдамида ўқувчи билимини аниқлашга мўлжалланган қилиб тузиш ҳисобланади.

Тест ўтказишдан олдин тестни тажрибада синаб кўриш лозим. Тест ўтказиш жараёнида эса талабаларга ёки респондентларга ҳалақит бермаслик, балки шарт-шароит яратиб бериш керак. Тест усули ҳозирги кунда кўпроқ таълим тизимида ўтказилиб, такомиллашиб, ривожланиб бормоқда.

Социометрик сўров – жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатларни, жамоат ичидаги ва жамоалар ўртасидаги алоқаларнинг намоён бўлишини ўрганиш мақсадида ўтказилади. Бу усул АҚШлик социолог Ж.Я.Морено томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, асосан кичик гуруҳларда жумладан, талабалар гуруҳида, ишчилар гуруҳида кенг қўлланилади.

Социометрик усул бугунги кунда кичик гуруҳларнинг ижтимоий – психологик хусусиятларини ўрганишда ва шахс хусусияти, мавқеини билиб олишда энг самарали усул ҳисобланади.

Ж.Я.Моренонинг социометрик услуби тестга асосланган, чунки тест индивидларнинг муносабатларини баҳолашга имкон беради.

Социометрик услуб сўров ўтказишни ташкил этиш бир қанча босқичларни ўз ичига қамраб олади. Биринчи босқич, гуруҳда тест ўтказиладётган критерия яъни чегара аниқ бўлсин;

Иккинчи босқич, ҳар бир респондент чегараланмаган миқдорда танлаш имконияти эга бўлсин;

Учинчи босқич, индивид аниқ чегаралар бўйича танланиши учун сўралиши керак;

Тўртинчи босқич, тест натижаларидан аниқ фойдаланиш керак;

Бешинчи босқич, барча танлаш ишлари гуруҳ аъзолари ичида мустақил равишда бажарилиши лозим.

Олтинчи босқич, тест саволлари шунда й устунлик билан тузилиши керакки, барчага тушунарли бўлсин.

Социометрик сўров умуман олганда, гуруҳ аъзоларининг дўстлик, яхши кўриш, ёқтирмаслик каби жиҳатларини аниқлаш ва албатта муаммони бартараф этиш мақсадида ташкил этилади. Социометрик сўров махсус варақаларни аъзоларига тарқатиш ва маълумотлар тўплангандан сўнг йиғиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Олинган натижалар таҳлил қилиниб, муаммони ҳал қилиш асосий вазифа қилиб қўйилади.

Интервью – интервьюер билан респондент бевосита мақсадга мувофиқ суҳбати орқали маълумот олиш усулидир.

Интервьюор – респондент билан мақсадга йўналтирилган, олдиндан дастурлаштирилган суҳбат.

Техникаси ва шакли бўйича интервью 3 хил бўлиши мумкин:

1. **Ностандарт** – бунда суҳбат умумий мавзуда олиб борилади. Саволлар олдиндан тузилмаган бўлади.
2. **Яримстандарт** – интервьюнинг бу шаклида саволлар олдиндан тузилган бўлади ҳамда мавзу юзасидан қўшимча саволлар ҳам бўлади.
3. **Стандарт** – бу интервью шаклида саволлар дастури тузиб олинган бўлади, ёпиқ саволлардан фойдаланилади.

Суҳбат давомида интервьюнинг қуйидаги вазифалари мавжуд:

Респондентнинг интервьюга ўргатиш, суҳбат саволларини тўғри аниқ, тушунарли қилиб бериш, респондентга ижтимоий – руҳий таъсир ўтказиш,

мақсадини аниқ етказа билиш, респондент берган жавобларни тартиб билан қайд этиб бориш, суҳбатни респондентга мос усулда ташкил этиш, чалғитувчи саволлар бериш, суҳбат охирида респондентга мазмунли суҳбат учун миннатдорчилик билдириш ва социологик маълумотларни тўплаш.

Интервьюер маълумотларни қайд этиш учун магнитофондан фойдаланиши мумкин. Бундан суҳбатни тасмага ёзиб олишда қўллаш мумкин. Суҳбат пайтида мазмун нафақат сўзлар, балки ишоралар, мимика орқали ҳам ўзатилади, шунинг учун видеотасвир суҳбатни ёзишнинг такомиллашган воситаси ҳисобланади.

Анкета орқали сўров ўтказишни ташкил этиш

Социологик тадқиқотлар ичида ўзининг самарали ва ишончлилиги билан муҳим ўрин эгалловчи метод, сўров методи бўлганидек, сўров методининг тадқиқот ўтказиш учун қўлланиладиган усуллари ичида ўзининг қўлайлиги, самарадорлиги ва тежамлилиги билан анкета усули етакчи ўрин тутди.

Анкета – бу муаммони ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотезани текширишга ёки муаммони ҳал қилиш йўлларини топишга лаёқатли саволлар тизимидир. Шунини таъкидлаб ўтишимиз керакки, сўров методи у интервью бўладими, анкета бўладими, тест бўладими умуман бу методнинг асосий инструменти савол ҳисобланади. Анкетада ҳам саволлар асосий унсур бўлиб, унинг қай даражада тузилиши социологик маълумотлар тўпланишида ва сифатли жавоблар олинишида муҳим роль уйнайди.

Анкета саволлар шаклига кўра тўғридан-тўғри, очик, ёпиқ, ярим ёпиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, саволлар муқобил бўлиши мумкин. Масалан, Сиз бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

Яна меню саволлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Сиз қанақа китоб ўқигишни истайсиз?

Очик савол: Айтингчи, сиз Ўзбекистон келажагини қандай тасаввур қиласиз?

Бу саволга респондент ўз дунёқараши, маълумотидан келиб жавоб ёзади.

Ёпиқ савол: Сиз чет тилларини биронтасини биласирзми?

1. Ҳа
2. Қисман
3. Йўқ

Ярим ёпиқ савол: Сизнингча, Ўзбекистондаги экологик вазият қайд аҳволда?

1. Яхши
2. Ёмон
3. Ўртача
4. Фикрингиз _____

Анкета усули ёрдамида сўров ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш бошқа сўров методлари каби 3 босқичга бўлинади.

1. Адаптация (кўникиш)
2. Асосий давр (маълумотларни тўплаш)
3. Якун яшаш

Энди анкетанинг умумий компазицияси ҳақида яъни анкетанинг тузилиши ва унинг кетма-кетлигини кўриб чиқамиз. Анкета 4 қисмдан иборат:

1. Титул варағи
2. Кириш қисми
3. Асосий қисми
4. Ижтимоий – демографик қисми.

Титул варағи – анкетанинг биринчи қисми бўлиб, респондентга мурожаатдан бошланради ва қайси ташкилот сўров ўтказилаётганлиги, тадқиқотнинг умумий мақсади, натижалари қандай қўлланилиши, респондентнинг шахсий аҳамияти, жавобларнинг кафолатланиши кўрсатилади.

Кириш қисми – анкетанинг иккинчи қисми бўлиб, кўпинча титул ва кириш қисмлар биргаликда кириш қисми деб юритилади. Бу қисмда ҳам анкетани тўлдириш қодалари тушунтирилади ва респондентнинг иштироки муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади, респондентнинг иштироки ва берган жавоблари учун миннатдорчилик билдирилади.

Асосий қисми – бир неча саволлар блокини ўз ичига олади.

1-блок: ҳақиқий маълумот олишга қаратилади ва унча қийин бўлган контакт саволлар берилади.

2-блок: саволлар мураккаблашиб боради.

3-блок: энг нозик назарий саволлари киритилади ва маълумотни чуқурлаштириш ҳамда текширишга қаратилади.

Шундан сўнг анкетанинг сўнгги қисми тузилади.

Ижтимоий – демографик қисми – бу қисмда респондентнинг ижтимоий аҳволи, ҳарактеристикаси, лавозими, касби, оилавий аҳволи, маълумоти, ёши, жинси миллати, меҳнат стажи, даромади кабиларни аниқлаш учун саволлар берилади.

Анкетанинг бу қисми паспорт қисми деб ҳам юритилади. Бу қисмдаги саволлар аниқ жавобларни талаб қилади, одатда, бу қисмдаги жавобларнинг ҳаққонийлик даражаси юқори бўлади.

Бу қисм энг муҳим хусусияти билан ажралиб туради, яъни маълумотлар олингандан сўнг таҳлил қилишда бу қисмга нотўғри берилган жавоблар мавжуд анкета бекор қилинади. Анкетани текшириш учун шу қисмдан бошланади.

Ҳар қандай тадқиқот муаммодан бошланади. Аввалги, яъни мазкур муаммо борасида аниқлик бўлмаса, тадқиқотси мавзуга алоқадор бўлган бошқа тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиши ва қўйилган мақсадга эришишида улар қандай ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаши керак бўлади. Бошқаларнинг ғояларига мурожаат қилиш олимга тадқиқот лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган саволларни ва мазкур ишда

қўлланилиши мумкин бўлган саволларни аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Кейинги босқич тадқиқот муаммони аниқ белгилаб олишдан иборат. Агар керакли адабиёт мавжуд бўлса, тадқиқотчи кутухонадан мазкур муаммога қандай ёндашиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб қайтиши мумкин. Ушбу босқичда у муаммонинг табиати ҳақидаги тахминларни маълум гипотезаларга айлантириши мумкин. Гипотеза бу – тадқиқотчини қизиқтираётган ҳодисалар ўртасида қандай алоқа мавжудлиги борасида тахминлардир. Тадқиқот самарали бўлиши учун, гипотеза шундай тузилиши керакки, олинган фактик материал уни текшириш имконини беради.

Энди керакли маълумотларни қандай йўл билан олишни аниқлашимиз керак. Бир қатор усуллар мавжуд бўлиб, уларнинг қай бирини танлашимиз тадқиқотимиз мақсадларига ва ўрганишимиз керак бўлган хулқ-атвор жиҳатларига боғлиқ. Баъзи мақсадларга анкета сўрови мос келади, бошқаларида интервью ёки кўзатув ўтказиш ўринлироқ бўлади. Албатта, тарихий социологияга тааллуқли муаммо ўрганилаётганда, бу усулларнинг ҳеч бирини қўллаш мумкин эмас. Бу ҳолда биз ўрганаётган даврга оид ҳужжатлардан фойдаланишимиз керак. Тадқиқотни ўтказиш пайтида баъзи кўтилмаган амалий қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Хусусий фирма ёки давлат ташкилотлари тадқиқотчига режалаштирган ишини амалга оширишга рухсат бермаслиги мумкин. Ҳужжатли материалларни топиш аввал тасаввур қилганидан қийинроқ бўлиб чиқиши мумкин.

Социологик тадқиқот дастури, унинг тузилиши ҳамда респондентларнинг сўров усуллари.

Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Дастур ҳаёт ҳақиқатдан келиб чиққан ва илмий – назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

Дастур асосан икки катта бўлим, яъни назарий методологик ва амалий – услубий билимлардан иборат.

Назарий методологик бўлиб мавзу танлаш, тадқиқот объектини характерлаш, мақсад ва вазифалар, фараз ҳамда предметни аниқлаш каби қисмларни ўз ичига олса, амалий – услубий бўлим маълумотларни тўплаш усуллари баён этиш, йиғилган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар тайёрлаш сингари амалий фаолиятларни мужассамлаштиради.

Дастур мазмунида жамиятда турли таъсирлар оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий муаммоли вазиятлар аниқ ифода этилмоғи лозим. Илмий муаммонинг қўйилиши муайян соҳа амал қилаётган билимлар чегарасини кенгайтириш демакдир.

Социологик тадқиқотлар дастурида илмий изланишга сабаб бўлган ижтимоий зиддиятли муаммолар ва уларнинг асосий тушунча, атамалари атрофлича изоҳлаб берилади. Тадқиқот дастурини тузганда ягона тушунчалар аппаратига бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Дастур концептуал ҳамда операционал моделлар ҳам ўзининг батафсил ифодасини топган бўлиши лозим деб ўйлаймиз.

Дастурнинг функциялари:

1. Назарий – методологик, илмий муаммо ва уни ҳал этиш асосини тайёрлаш аниқланади;
2. Методик йиғилган маълумотларни ва қўтиладиган натижа усуллари белгиланади;
3. Ташкилий тадқиқотчи (коллектив) фаолиятини барча иш босқичларида режалаштирилади.

Дастурнинг асосий талаблари:

1. Зарурият;
2. Эксплицитлик (шартли белгиларга изоҳ бериш, аниқлик киритиш);
3. Мослашувчанлик;
4. Структураларнинг мантиқий изчиллиги;

Социология тадқиқотларда ахборотларни кодлаштириш.

Ушбу мавзуда социологик тадқиқотлардаги маълумотлар анализи, шакллантириш, операционаллик ва методларни кодлаштириш, кодлаштириш ўлчов жараёни сифатида, шакллантириш, позицион ҳисоблаш тизими, тартибли ҳисоблаш тизими.

Шунингдек, кодлаштиришнинг социологик тадқиқотларда ва иқтисоддаги ўрнини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Эксперимент тадқиқотларнинг анализи. Кодлаштириш тушунчаси: социологияда вазифа йўқ (мактабдагига ўхшаш) билан муаммо, гипотезалар бор. Шунинг учун йирик сонли методлар, муаммоларни ҳал этиш йўллари, усуллар, гипотезаларнитекшириш кабилар бор. Табиийки, уларни ўзлаштириш осон эмас.

Биз кундалик ҳаётимизда доимий равишда шундай сўзлар билан бошланувчи фикрларга тўқнаш келамиз, масалан,

- «Жамоатчилик фикри сўровининг кўрсатишича қайсики ...»;
- «Социологларнинг тасдиқлашича, қайсики...»;
- «Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, яъни...»;
- «Социологик анализ тасдиқлашича, қайсики...».

Мана шу фикрларда социологнинг турли ҳил маълумотларни анализига оид ўлкан ишлари яширинган. Ушбу анализнинг таркибий қисмида ўлчов жараёни бўлади.

Ушбу жараёни социолог учун ижтимоий объектнинг хусусиятини ўрганиш моделини яъни алоҳида сифатли моделларини кўришдан бошланади. Социолог учун ижтимоий реалликни кўриш модели бу (у ҳар доим уни мушоҳадага асослаб куради) реалликни қисм таркиблариг, элементларга ажратиб ташлайди. Гап алоҳида сифатли моделлар ҳақида кетаяпти. Унда воқелик қисмларини ўрганиш тушунилади. Чунки ҳар бир социологнинг ўз шахсий дунқараши, бу воқеликни қабул қилиш шахсий тили бор. У ҳар доим қандайдир парадигмалар тарафдори, қадайдир ўрта даража назарияларни ёқловчисидир. Буларнинг ҳаммасини модел сифатида белгилаш мумкин, яъни социолог уй-фикри билан курилади. Студент

гуманитарлар учун «модель» термини салбий муносабат келтириб чиқаради ва қандайдир мантиқ, математика билан боғлиқдек бўлиб улар тажрибага асосланмаган далилларга ачинмайди. Бундай ёндашув ўзининг моҳиятича нотўғридир ва бу терминдан кўрқиш керак эмас. Моде лбу анализнинг элемент тилидир. Хусусан моделларнинг бир кўриниши математик моделлар ҳисобланади. Социологик тадқиқотлар доирасида объектнинг хусусиятини ўрганиш модели, хусусияти ўлчов модели, хусусиятни анализ модели ўзаро боғлиқдир. Баъзан бу тушунчалар бир-бирини алмаштиради. Баъзан жуда тор бу учликнинг таркибини изоҳланиши эмпирик социологияда номақбул оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, анализ фақат математик методларни қўллаш билан ўлчов эса фақат математик ўлчов назарияси орқали изоҳланади.

Ўлчов жараёнини диагностик жараён сифатида ҳам англаш мумкин. Кўпол қилиб айтганда, респондентга респондентлар гуруҳига ва бошқа ҳар қандай эмпирик объектга диагноз-ташҳиз қўйилади. Ўлчов жараёнини шкалалаштириш жараёни сифатида ҳам қўлланилади, яъни нимадир ёки кимнидир ўлчаш учун шкалалар яратилади.

Бизнинг мақсадимиз турли тадқиқот ҳолатлари шундай ўлчов йўлларида тузилади ва унда рўй беради. Аввалига гап жуда оддий ҳолатлар сўнг эса мураккаблари ҳақида боради.

Кодлаштириш. Ўтказилган тадқиқотдаги ишланмаган маълумотларни шундай шаклга келтириш жараёни ҳисобланадики, ундан ҳисоблашларда одатда (компьютер ёрдамида тайёрланади) фойдаланилади.

Кодлаштириш маълумотлар категориясини режасини белгилаш ёрдамида руйхатдан ўтган ҳар бир категорияларнинг сонли аҳамияти воситасида амалга оширилади.

«Осонлик» тушунчаси техник томонлама ўлчов жараёнига тааллуқли. Социологияда индивид битта асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Мисол тариқасида олти эмперик индикатор ёки олти қуйидаги кўринишдаги саволларни кўриб чиқамиз.

Кодлаштириш жараёнини ўлчов (бевосита) жараёни сифатида ҳам белгилаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. М. Бекмуродов. Социология. 2000 й.
2. Алиқориев Н.С. Социология ва таълим тараққиёти. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалари. Т. 1988 й.
3. Дюркгейм. Е. Методы социологии. М. 1998 г.
4. Здравомыслов А.Г. Методы и процедура социологического исследования. М. 1969 г.
5. Гидденс. Умумий социология. Т. 2002 й.

